

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШДАГИ РОЛИ****<sup>1</sup>Янгибаев Айбек Кыдырбаевич**ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси бошлиғи ўринбосари,  
подполковник, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент,**<sup>2</sup>Махмудов Иброхимжан Хақимжонович**

ИИВ Академияси Ҳарбий тайёргарлик кафедраси бошлиғи ўринбосари, полковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7544820>

Давлатимизда ўсиб улғаяётган ҳар бир ёшлар бизнинг келажагимиз ҳисобланади. Ҳуқуқий онги ва маданияти юксак ёшлар давлат ва жамият ишларида муҳим ўрин эгаллайди. Ёш авлодни тарбиялаш ва уни комил инсон қилиб вояга етказиш, ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, маълум касб билан банд қилиш, улар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш давлат ва нодавлат ташкилотлар олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ёшларга таълим бериш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдодли ёшларни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида этибор қаратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур қонун билан ёшларга оид давлат сиёсати, ёшлар (ёш фуқаролар), ёш оила, ёш мутахассис, ёшлар тадбиркорлиги каби асосий тушунчаларнинг мазмуни ёритилиши билан бирга, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари, асосий йўналишлари, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ваколатлари, шу жумладан, ички ишлар органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари ҳам белгилаб берилди [1].

Барчамизга маълумки, ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат.[2]

Ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишни самарали ташкил этиш мақсадида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш бўлинмалар, шунингдек, ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ташкил этилиб, ушбу бўлинмаларнинг самарали фаолият юритиши учун муносиб хизмат шароитлари яратилган.

Ички ишлар органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари сифатида қуйидагилар белгиланди. Булар:

- ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;
- ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этиш;

- ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

- ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоратadbирларини кўриш;

- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш.

Албатта, бу борада соҳада тизимли ишлар ташкил этилган бўлиб, ички ишлар органлари таянч пунктларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этишга қаратилган вазифалар белгилаб олинган.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир.[3]

Ички ишлар органлари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари доирасида ҳамкорликдаги ишларни ташкил этиш мақсадида, профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялари билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда:

- вояга етмаганлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси, уларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;

- ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

- ота-оналари ички ишлар органларида профилактик ҳисобида турувчи ёшлар ва вояга етмаганларнинг турмуш тарзи ва хулқини ўрганиш;

- васийлик ва ҳомийлик органларига етим болалар, ота-оналар қаровисиз қолган ёхуд ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ёхуд таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган болалар тўғрисида маълумот тақдим этиш, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришда кўмаклашиш.[4] Шунингдек, профилактика инспекторлари нодавлат ноижорат ташкилотлари билан ҳам фуқароларни, айниқса, ёшларни маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, жисмоний ва меҳнат тарбиясини амалга оширишда иштирок этиб, ўзаро ҳамкорлик алоқалари амалга ошириб келинмоқда.

Ёшлар билан ишлаш тизимини уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ўсиб келаётган ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ҳолда маҳаллаларда учрашувлар ва давра суҳбатлари, спорт тадбирлари ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Бу борада ҳам ҳукуматимиз томонидан тегишли қарорлар қабул қилинган бўлиб жойларда самарали ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралда “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган

бўлиб, ушбу концепцияда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга оид яхлит таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, концепциянинг асосий мақсади — ёшларни жисмонан соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, илмий ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларга фаол жалб қилишдан иборатдир.

Бугунги кунда ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар киритилган «Ёшлар дафтари» тизими жорий этилган. Ушбу дафтарга киритилган ёшларга моддий жиҳатдан кўмак бериш мақсадида, давлат томонидан субсидиялар ажратиш, ёшларни тадбиркорликка ўқитиш ва ўзини ўзи банд қилишга қаратилган ишларга жалб этиш кўзда тутилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартда “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, мазкур қарор доирасида «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида Намунавий низом ишлаб чиқилиб, ушбу низом асосида «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» фаолиятини ташкил этиш, унинг маблағларини шакллантириш, улардан фойдаланиш, ҳисоб ва ҳисоботини юритиш тартиби белгиланди.

Республикада 5 580 077 нафар ёшлар бўйича анкета сўровномалари тўлдирилиб, 672 970 нафар ёшлар “Ёшлар дафтари”га киритилди. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг истагига қараб, бугунги кунда уларнинг муаммолари мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этилиб, бандлиги таъминланди. Хусусан: 13 218 нафар (54 151 нафардан, 24,4 %) ёшлар доимий иш ўринлари билан таъминланди; 5 656 нафари (22 403 нафардан, 25,2 %) тадбиркорликка жалб этилди; 6 476 нафари (52 990 нафардан, 46,6 %) касб-хунарга ўқитилди; 4 966 нафари (13 026 нафардан, 38,1 %) “ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор” тамойили асосида тадбиркорларга бириктирилди; 1 233 нафари (5 131 нафардан, 24 %) “устоз–шогирд” анъанаси асосида хунармандларга бириктирилди; 32 628 нафари (35 330 нафардан, 92,4 %) қишлоқ хўжалигида ер ажратиш орқали бандлиги таъминланди; 8 574 нафарининг (28 412 нафардан, 30,2 %) ижтимоий муаммолари ҳал этилди.[8]

Шуни алоҳида такидлаш керакки, бу каби ҳамкорликда ташкил этилган ишлар натижасида ёшлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга муайян даражада эришиш мумкин бўлади. Шунингдек, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб қувватлашга қаратилган ҳамкорлик доирасида ишлаб чиқилган давлат дастурларида фаол иштирок этиш ва бу борада қуйидаги ишларни бажаришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

*биринчидан*, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш;  
*иккинчидан*, ёшларни соғлом турмуш тарзини мустақамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;  
*учинчидан*, ёшларнинг сифатли таълим олишларини таъминлаш учун қулайликлар яратиш;  
*тўртинчидан*, ёшларни она Ватанга, оилага, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;  
*бешинчидан*, ёшларни касбга ўргатиш ва уларга меҳнат шароитларини яратиш;  
*олтинчидан*, ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш;  
*еттинчидан*, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор ёшлар, меҳрибонлик уйларида тарбияланган, етим болалар, боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам бериш.

Шундай қилиб, ички ишлар органларининг ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишда, энг аввало, давлат ва нодавлат ташкилотлар ва ҳокимият органлари, шунингдек, таълим муассалари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликдаги ишларни ташкиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ёшларни она Ватанга садоқат, оилага муҳаббат, ўзгаларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлашга ва уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган кенг кўламли ишларни тизимли ташкиллаштириш натижасида ёшлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасини таъминлашга хизмат қилади.

### References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда;
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрь куни “Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустақамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикасини самарадорлигининг асосий омилдир” мавзусида ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сон қарори.
5. Бердиалиев Б.Э. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш / Ёшлар жиноятчилигининг сабаблари, шарт шароитлари ва олдини олиш: Халқаро илмий-амалий конференция материаллар тўплами (2021 йил 22 апрель) – Т. – Б. 61.